O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил 11 октябрь ЧОРШАНБА

№ 82 (11.885)

1928 йил 11 декабрда асос солинган • Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси • Эркин нархда сотилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва унинг фаолият самарадорлигини янада ошириш тўғрисида

Мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, ёшларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш масаласи давлат сиёсатининг энг устувор вазифаларидан биридир. Ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган ушбу мақсадда амалга оширилаётган барча ишларга, шу соҳага бевосита масъул ва дахлдор бўлган давлат ва жамоат бирлашмалари фаолиятига ана шу нуқтаи назардан баҳо бериш керак.

Таъкидлаш жоизки, Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 30 майдаги "Ўзбекистон ёшларининг "Камолот" ижтимоий ҳаракати фаолиятини ташкил этишга кўмаклашиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ўтган давр мобайнида мазкур ташкилот Марказий кенгаши ва унинг жойлардаги бўлимлари томонидан муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, республикамизнинг аксарият туман ва шаҳарларида "Ёшлар ижтимоий хизмат маркази" ташкил этилгани, ёшларнинг олдида турган муаммоларни ечиш, уларнинг маданий савиясини, ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган оммавий тадбирлар, турли кўрик-танлов ва учрашувларни уюштириш, ўқувчи ва талабалар ўртасида "Камолот" фаолиятини тарғиб қилиш билан боғлиқ қатор ишлар қилинганини айтиб ўтиш лозим.

Шу билан бирга, таъкидлаш лозимки, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатига асос бўлган Дастур ва Низомнинг амалда бажарилишини, мазкур ташкилот томонидан ёшларнинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш, уларни жамиятимизнинг ижтимоий-маънавий ва иқтисодий янгиланиш жараёнида ўз жойини топишига кўмаклашиш борасида олиб борилаётган ишларни ижобий баҳолаб бўлмайди.

Ҳаракат фаолиятини ташкил этишда аксарият ҳолларда расмиятчилик, бюрократик ёндашув, кампаниябозликка йўл қўйилаётгани, унинг ёшлар дуч келаётган амалий муаммолардан узоқлашиб қолгани, истеъдодли, табиий етакчилик қобилиятига эга бўлган йигит-қизларни "Камолот"га жалб этиш, уларга кўпроқ эркинлик ва ўз ташаббусларини намоён қилиши учун шароит ва имконият яратиб бериш билан боғлиқ камчиликлар жиддий ташвиш уйғотмоқда.

Бугун мамлакатимизда олиб борилаётган ва давлат сиёсати даражасида қабул қилинган, ёшлар муаммоларини ечишга қаратилган дастур ва тадбирларни амалга оширишда, вояга етиб келаётган ёш авлоднинг ҳаётда ўз муносиб ўрнини топиши, уларни, биринчи навбатда қишлоқ жойлардаги йигит-қизларни иш билан таъминлаш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши, соғлом турмуш кечириши учун имконият туғдириш, фарзандларимиз онгида замонавий дунёқарашни қарор топтириш, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш каби ўта муҳим масалаларда Ҳаракатнинг ҳиссаси, ўрни ва таъсири етарли даражада сезилмаяпти.

Олий ўқув юртлари, коллеж ва мактаблардаги ўқув жараёнларининг даражаси ва сифати ҳақида ижтимоий сўровлар орқали ёшларнинг фикр-мулоҳазалари, мақсад ва интилишларини ўрганиш, ҳаётимиздаги ечилмаган муаммолар, мавжуд камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш нималарга боғлиқ экани ҳақида баҳс ва мулоқотлар ўтказиш, керакли хулоса чиқариш ва таклифлар тайёрлаш масалалари ҳам "Камолот" эътиборидан четда қолмоқда. Мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ҳаётида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятининг самарасини ошириш, уни биринчи навбатда ёшларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга қодир бўлган таъсирчан ташкилотга айлантириш мақсадида:

1. Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, маънавий-маърифий соҳага дахлдор бўлган вазирлик ва идоралар томонидан ёшлар масалаларини, авваламбор уларнинг долзарб муаммоларини ечиш, жамиятдаги ўрни ва мавқеини оширишда йўл қўйилаётган совуққонлик, бепарволик ва масъулиятсизлик ҳолатларини бартараф этиш, энг асосийси, ҳаётга кириб келаётган авлоднинг ижтимоий фаоллигини кучайтириш, бу борада "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатига суяниш ва таяниш вазифаси мазкур давлат ташкилотлари фаолиятининг муҳим йўналиши деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамаси (Р.Қосимов) "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши, Республика Маънавият ва маърифат кенгаши ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда ташкилотнинг Дастури ва Низомига тегишли ўзгартишлар киритиш, унинг таркибий тузилмасини янгитдан тасдиқлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

3."Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Маслаҳат кенгашининг Ҳаракатнинг навбатдаги II қурултойини 2006 йил ноябрь ойининг охирида ўтказиш ва унинг фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ишлаб чиқиладиган дастурни кун тартибининг асосий масаласи сифатида белгилаш ҳақидаги таклифи қабул қилинсин.

4. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг навбатдаги қурултойига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш бўйича бошланғич ва қуйи ташкилотларнинг таклифлари асосида тайёрланган чора-тадбирлар режаси иловага мувофиқ маъқуллансин ва қурултойни ўтказиш ҳамда ёритишда Ҳаракат фаолиятини чуқур таҳлил қилиб, танқидий баҳо бериш, мамлакатимиз ёшлари олдида турган энг муҳим ва долзарб вазифаларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратиш тавсия этилсин.

5. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р. Шамшиев ва Бош вазир ўринбосари Р. Қосимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2006 йил 10 октябрь.

Пахта – 2006

ҲАР ЧАНОҚ ДИЛЛАРГА НУР СОЧГАН ПАЛЛА

Бугун вилоятимиз пахтакорларининг қувончу шодлиги чексиз, эл-юрт олдида юзлари ёруғ. Улар давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёси тайёрлаш контрактация шартномасини муваффақиятли уддаладилар.

Вилоятимизнинг 275 минг тонналик залворли хирмони бу йил ниҳоятда қисқа фурсатда, 8 октябрь кунигача бунёд этилди. Бундай юқори суръат ва самарадорлик вилоятимиз пахтачилигида ҳали кузатилмаган эди.

Шундай шукуҳли кунларда қўлга киритилган улкан меҳнат зафарларининг ўзак омиллари, таг замири ҳақида ҳар қанча сўз борса, таҳлил қилинса, деҳқон меҳнати, матонати, азму шижоати, лафзи ҳалоллиги ҳар қанча эътироф этилса, таърифланса кам.

Бу ҳақда сўз борар экан, аввало, бевосита муҳтарам Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар хусусида алоҳида тўхталмоқ жоиз. Аграр тармоқни тубдан юксалтириш ва янгилашга қаратилган қатор меъёрий ҳужжатлар, республика ҳукуматининг соҳага доимий эътибори, ғамхўрлиги ва кўрсатаётган амалий ёрдами, берилаётган турфа имтиёз ҳамда имкониятлар бугун ўз самарасини кўрсата бошлади. Шу билан бирга, мазкур масалалар, белгиланган вазифалар ижроси вилоят ҳокимлигининг ҳамиша диққат-эътиборида бўлгани, хусусан, ширкат ва фермер хўжаликлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, тизим теварагидаги ҳар қандай муаммолар ўз вақтида, оқилона ҳал этилаётгани бугунги муваффақиятнинг асосий замини бўлганлиги шубҳасиз.

Мана бу маълумотларга эътибор беринг. Мамлакатимиз раҳбарининг 215-сонли қарорига мувофиқ бу йил бошига келиб вилоятимиздаги паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган 50 та ширкат хўжалиги тугатилди. Улар заминида пахта ва ғаллачилик йўналишида 1770 дан ортиқ мустақил фермер хўжаликлари ташкил этилди. Собиқ ширкатларнинг 78200 гектардан зиёд экин майдони янги заминдорлар тасарруфига ўтди. Табиийки, энди аввалги ширкатлар чекига тушган хом ашё тайёрлаш буюртмалари ҳам фермерлар зиммасига ўтди.

Албатта, йирик бир хўжаликни тарқатиб, унинг ерларини 20-30 фермерга тақсимлаб берган билан иш битмайди. Бу жараённинг муҳим, ғоят муҳим томонлари бор эдики, бутун вилоят мутасаддиларининг диққат-эътибори шунга қаратилди. Биринчидан, ернинг муносиб қўлларга ўтиши, ўтказилган тендер танловларида адолат тамойилларининг таъминланишига устувор масала сифатида қаралди.

Иккинчидан, фермерларга хизмат кўрсатувчи инфратузилмани шакллантириш масаласи кўндаланг қўйилди. Деҳқончилик қилишнинг ўзи бўлмайди, ҳали техника, ҳали ўғит, ҳали ёқилғи керак. Бу ёқда сув тақсимлаш муаммоси. Буларнинг барини янги тузилган фермер хўжалиги ҳал этолмаслиги аниқ эди.

Шу боис, ҳар бир ҳудудда мукаммал инфратузилма объектлари зудлик билан ташкил этилиб, иш бошлади. Вилоят бўйича олиб қарайдиган бўлсак, ўша кезлар янгидан 40 та муқобил МТП, 23 та мини-банк, яна шунча сувдан фойдаланувчилар уюшмаси (СФУ), 30 дан ортиқ минерал ўғит, 40 га яқин ёқилғи-мойлаш шахобчаси ташкил этилди.

Улар фаолиятининг асосий йўналиши ва мақсадига кўра, фермернинг чинакам кўмакдоши, таъбир жоиз бўлса, қўшқанотига айланди.

Натижада аграр соҳада етакчи кучга айланиб бораётган фермерлар бугунги кунга келиб, нафақат етакчи, балки ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқдилар, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Вилоятимизда тайёрланадиган пахта хом ашёсининг 2004 йилда 38,7, 2005 йилда 45,2 фоизи фермерлар улушига тўғри келган бўлса, бу йил бу кўрсаткич кескин ўсганини кузатиш мумкин. Ҳисоб-китобларга кўра, ҳозиргача далалардан йиғиштириб олинган ҳосилнинг 79 фоиздан кўпроғи фермерлар даласида етиштирилди. Биргина мисол. Оққўрғон туманидаги «Оққўрғон» ширкат хўжалиги кейинги йиллар пахтачиликда инқирозга юз тутиб, шартнома режалари сурункасига бажарилмай келарди. Хўжалик пахта майдонларидан аранг 3-3,5 минг тонна ҳосил йиғиб олинарди. Ўтган йили унинг фаолияти тугатилиб, негизида 40 дан ортиқ фермер хўжаликлари ташкил топди. Мукаммал инфратузилма вужудга келди. Натижадаги самарадорликни қарангки, хўжалик заминида тузилган фермер хўжаликлари бу мавсум давлатга 7,5 минг тоннадан зиёд пахта етказиб бердилар. Бу ҳали ҳаммаси эмас, улар умумий хирмонга яна камида 500-600 тонна улуш қўшамиз, дейишаяпти.

Муваффақиятнинг яна бир омили, эрта баҳордан бошланган аниқ режали, пухта агротехник жараёнлардир. Чигит экиладиган майдонлар етук мутахассислар, тармоқ билимдонлари ва пахтачиликда суяги қотган уста деҳқонлар кузатувида оби-тобида тайёрланди. Асосий майдонларга бир неча йиллардан бери деҳқонлар синовидан яхши ўтиб келган «С-6524», шунингдек, «Наманган-77», «Ан-Боёвут-2» навли чигит экилди. Шу ўринда эрта кўкламги табиий об-ҳаво шароити чигитни текис ундириб олиш учун ниҳоятда қулай келганини айтиб ўтиш жоиз. Деҳқонлар бундай шароитда омилкорлик билан иш кўриб, экиш ишларини апрель ойининг биринчи ярмидаёқ якунлаб олдилар. Бу чигитни тупроқнинг табиий намлиги билан ундириб олиш, натижада текис ва тўлиқ кўчат олишга имкон яратди.

Кейинги босқич муҳим агротехник тадбирлар учун барча имконият ва шарт-шароитлар яратилиб, уларнинг ўтказилиш муддатлари ва сифати кескин назорат остига олинди. Фермер вақтида ўғитини, ёқилғи-мойлаш ашёларини олиб турди. Мини-банклар фаол ишлади, МТПлар мавжуд техник имкониятларини тўлалигича

(Давоми 3-бетда).

СУРАТЛАРДА: *С. Сегизбоев номли ширкат хўжалиги 2-бўлими бошлиғи Турғунбой Худоёров (ўнгда) пудратчи даласида; юқоричирчиқлик фермерлар Пардабой Йўлдошев ва Камолиддин Абдужалилов бу йилги ҳосил баракасидан мамнунлар.*

Пардабой ЭРҒАШЕВ ва Даврон АҲМАД олган суратлар.

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

ОҚ ТИЛАК

Ҳар ким бу дунёга бахт излаб келган,
Кўнгиллар кўшкидан тахт излаб келган.
Лек ёруғ оламга ўзбек деҳқони
Ўзин сенлаб, пахтасин сизлаб келган.
Қувончлар шарқираб сой бўлган кун бу,
Тошкент осмонида ой тўлган кун бу!

Вафо бекатида мардлар юзлашди,
Ҳар ниҳолга тўккан дардлар юзлашди.
Кўзлашса орият тоғин кўзлашди.
Хуш тилак, хуш ният ижобат кун бу,
Кўҳна Шош аҳлига саодат кун бу!

Ҳар чаноқ дилларга нур сочган ойдир,
Қўллар қадоғига дур сочган ойдир.
Элга ризқ, юрт учун сўнмас чиройдир,
Изларга ҳаваслар тўкилган кун бу,
Машаққат чокидан сўкилган кун бу!

Чиноз чаманига Бекобод бўйлар,
Оққўрғон ҳамиша орини ўйлар,
Бўка осмонига таралди тўйлар.
Шодлик шаробидан маст бўлар кун бу,
Элнинг дуосига даст тўлар кун бу!

Ҳалоллик Ватанда номинг улуғлар,
Юқори, ҳам Қуйи, Ўртачирчиқлар,
Арзийди уч бора қилсак қуллуқлар,
Ваъданинг вафоси ушалган кун бу,
Пойингизга таъзим тўшалган кун бу!

Ишонсанг, аё дўст, шу сўзга ишон,
Шунчаки мақтовдан баланддир деҳқон.
Қарсак чал, Момо Ер, яқин кел, осмон,
Оқ тилак кўкларга сиғмаган кун бу,
Армонни қамчилаб қувлаган кун бу!

Бўка тумани:

ҚИРҚ МИНГ ТОННАДАН ОШДИ

Бўка тумани пахтакорлари ҳам катта меҳнат ғалабасига эришиб, вилоятимиз умумий хирмонига барака киритдилар. Жами 16460 гектар майдонда деҳқончилик қилган пахтакорлар 40 минг тоннадан ортиқ пахта тайёрлаб, йиллик шартнома режасини ортиғи билан бажардилар.

Туман меҳнат аҳли эрта баҳорда яхши ниият билан ерга чигит экиб, ғўза парваришини юксак агротехника қоидалари ҳамда уста деҳқонларнинг бой тажрибалари асосида олиб бордилар. Экинни озиқлантириш, шарбат оқизиш, тунги суғоришга эътибор қаратилгани, ҳашарот ва зараркунандаларга қарши кураш ишлари самарали олиб борилгани, бу юмушлар, айниқса, ҳосил тақдири ҳал бўладиган июль-август ойларида янада кучайтирилгани ўз натижасини берди. Шу билан бирга катта меҳнат

(Давоми 3-бетда).

Ўртачирчиқ тумани:

ҲОСИЛ БАРАКАСИ – ҲАРАКАТДАН

Бу мавсум ўртачирчиқлик пахтакорлар илғорлар сафида бориб, давлатга пахта сотиш шартнома режасини нисбатан қисқа фурсатда – 27 иш кунида бажардилар. Контрактация ҳужжатларида белгиланган 36660 тонналик хом ашёнинг асосий қисми юқори навларга қабул қилинди. Туман бўйича ўртача ҳосилдорлик 27 центнерданга тўғри келяпти.

Туман хирмонига Охунбобоев номли ширкат хўжалиги деҳқонлари айниқса, баракали улуш қўшдилар. Хўжалик пахтакорларининг бугунги кунгача давлатга сотган пахтаси 3470 тоннадан ошиб, режа қарийб 120 фоизга уддаланди. Шунингдек, «Қорасув» ширкат хўжалигининг улуши 2910, «Янги тўлқин» ширкат хўжалиги пахтакорларининг ҳиссаси эса 1380

(Давоми 3-бетда).

Бекобод тумани:

«КАТТА КАРВОН»НИНГ ЮКСАК МАНЗИЛИ

Маълумки, Бекобод – вилоятимизда энг кўп пахта етиштириладиган туман ҳисобланади. Бекободлик пахтакорлар контрактация шартномасига мувофиқ давлатга 40630 тонна хом ашё етказиб бериш мажбуриятини олганлар.

«Катта карвон»лик масъулиятини теран англайдиган бу замин деҳқонлари кейинги йилларда ўз вазифаларини ёруғ юз билан бажариб келаётирлар.

Туман пахтакорларининг бу мавсум етиштирган ҳосили айниқса, баракали бўлди. Улар кечаги кунгача қабул пунктларига 41360 тоннадан зиёд хом ашё етказиб бердилар.

Таъкидлаш жоизки, кейинги пайтлар туман деҳқонлари ҳудуд шароитида пахта етиштириш сир-синоатларини му-

(Давоми 3-бетда).

Юқоричирчиқ тумани:

ИЗЛАНИШ ВА ИНТИЛИШ САМАРАСИ

Куни кеча вилоятимизда давлат эҳтиёжлари учун пахта етказиб бериш шартнома режасини муваффақиятли уддалаган туманлар сони яна биттага ортди. Чиноз, Қуйичирчиқ, Оққўрғон, Бўка, Ўртачирчиқ, Бекобод туманларидан сўнг, юқоричирчиқлик пахтакорлар ҳам меҳнат зафарини тантана қилдилар.

Улар қабул пунктларига 16555 тоннадан ортиқ сифатли хом ашё етказиб бериб, ғалаба маррасига ўтган йилгига нисбатан қарийб 10 кун барвақт етиб келдилар.

Юқоричирчиқ – вилоятимизнинг шимолий минтақаларидан ҳисобланади. Шу сабабли, бу ҳудудда деҳқончилик қилиш, хусусан, пахта етиштиришнинг ўзига хос нозик жиҳатлари, мураккабликлари бор.

(Давоми 3-бетда).

КОРЕЯ МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида Ўзбекистонда Корея Республикаси маданияти кунларининг очилиши бўлиб ўтди. Шу муносабат билан бу ерга санъат ва маданият намояндалари, юртимизда фаолият кўрсатаётган хорижий дипломатик корпус вакиллари йиғилди.

Тадбирда Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасида барча соҳаларда, жумладан, маданият, таълим ва фан каби йўналишларда ҳам ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди. Бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир.

Икки халқ ўртасидаги дўстона муносабатларнинг мустаҳкамланишида маданий ҳамкорлик алоҳида ўрин тутади. Истиқлол йилларида Жанубий Кореяда бўлиб ўтган ўзбек мусаввирлари ва фотоижодкорлари асарлари кўргазмаси, санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокидаги концертлар корейс халқини миллий санъатимиз ва маданиятимиз билан яқиндан таништирди. Мамлакатимизда 1998 йилдан буён ўтказиб келинаётган Корея Республикаси маданияти кунлари эса, ҳамюртларимизга ушбу дўст халқнинг тарихи, урф-одатлари, санъати ҳақида кенг маълумот олиш имконини бермоқда.

Бу галги Корея Республикаси маданияти кунларида ранг-баранг кўргазмалар, концертлар, корейс фильмлари фестивали бўлиб ўтади.

Жумладан, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театрида Корея опера юлдузлари ва ижрочилари ҳамда томошабинларга яхши таниш бўлган "Сўғдиёна" ансамбли созандалари иштирокида катта концерт дастури намойиш этилади. Корея Республикаси бадиий фильмлари фестивали эса ҳамюртларимизни корейс халқининг тарихи, маданияти, анъана ва урф-одатлари, бугунги ҳаёти билан таништиришда муҳим ўрин тутади. Фестиваль дастуридан халқаро танлов ва фестивалларда совринли ўринларга сазовор бўлган "Донгмак қишлоғига хуш келибсиз!", "Қиролнинг эркатойи", "Ширин ҳаёт" каби ранг-баранг мавзудаги бадиий фильмлар ўрин олган.

Бир ҳафта давом этадиган маданият кунлари доирасида, шунингдек, юртимизда истиқомат қилаётган корейс мусаввирлари асарларидан иборат бадиий ва фото кўргазма ҳам очилди. Таъкидлаш лозимки, бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат вакиллари ягона оила фарзандларидек яшаётган мамлакатимизда корейс миллати вакиллари ҳам турли соҳаларда самарали меҳнат қилмоқдалар. Мамлакатимизда ҳар йили уларнинг ижод намуналаридан иборат кўргазмаларни ташкил этиш анъанага айланган.

Тадбирда Корея Республикасининг юртимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Мун Хаёнг иштирок этди.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институтида атроф-муҳит мусаффолиги ва саломатликнинг гигиеник мониторинги масалаларига бағишланган республика анжумани бўлиб ўтди. Унда олимлар, мутахассислар, шифокорлар, санитария-эпидемиология назорати марказлари ходимлари иштирок этди.

АТРОФ-МУҲИТ ВА САЛОМАТЛИК

Анжуманда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида экология ва санитария-эпидемиологик вазиятни барқарорлаштириш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, тиббий хизмат сифатини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Бунда Президентимиз Ислом Каримовнинг соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисидаги фармонида белгиланган вазифаларни босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этиш ўз самарасини бераётир.

Тиббиётнинг бошқа йўналишлари сингари санитария-гигиена соҳасида ҳам илм-фан эришаётган ютуқлардан амалда оқилона фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада аҳоли саломатлигига таъсир этувчи физикавий, кимёвий ва биологик факторларни аниқлаш усулларини такомиллаштириш борасида кенг кўламли изланишлар амалга ошириляпти.

Анжуманда бу йўналишда илм-фанимиз эришаётган ютуқлар, атроф-муҳит, сув, ҳаво, тупроқдаги зарарли омилларни гигиеник меъёрлаш усуллари, аҳоли меҳнат ва турмуш шароитини янада яхшилашда илм-фан янгиликларидан фойдаланиш самарасига бағишланган маърузалар тингланди.

Б. ХИДИРОВА, ЎзА мухбири.

ЯНГИ БИНО ХИЗМАТГА ШАЙ

Қуйичирчиқ туманидаги янги «Бахт уйи» вилоят адлия бошқармаси ҳамда туман ҳокимлиги ҳомийлигида бунёд этилганига унча кўп вақт бўлгани йўқ. Тўлиқ компьютерлаштирилган ушбу муассаса турли ҳужжатларни расмийлаштиришда нафақат ходимларига, балки, фуқароларга ҳам қулайликлар яратди. Бу эса, туманнинг 110 минг аҳолисига тез ва сифатли хизмат кўрсатиш имкониятини бермоқда.

СУРАТЛАРДА: *янги «Бахт уйи»; ФҲДЁ мудираси Омона Холиқова (ўнгда) мижоз Дилноза Муртазоевага хизмат кўрсатмоқда.*

Пардабой ЭРГАШЕВ олган суратлар.





ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Мутахассислар таъкидлашича, жаҳон тиббиётида табиий шифо воситаларидан фойдаланишга эҳтиёж кучайиб бораётир. Бу, ўз навбатида, шифобахш ўсимликларни асраб-авайлаш, уларнинг тарқалиши, ўзига хос хусусиятларини чуқур ўрганиш ва амалда қўллаш меъёрларини ишлаб чиқиш жараёнини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Тошкент фармацевтика институтида бошланган табиий хом ашёдан дори воситаларини олиш, уларнинг таҳлили ва қўлланилишига бағишланган илмий-амалий анжуманда ана шу ҳақда гап борди. Унда мамлакатимизнинг тегишли олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот муассасалари олимлари, ёш тадқиқотчилар билан бир қаторда қозоғистонлик мутахассислар ҳам иштирок этаётир.

– Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида тиббиёт тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида табиий хом ашёдан самарали шифо воситалари тайёрлашни янада такомиллаштириш, доривор ўсимликларнинг захирасини аниқлаш ва асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратилаётир, – деди Тошкент фармацевтика институти фармакогнозия кафедраси мудири, профессор Ҳ. Комилов. – Ана шундай саъй-ҳаракатлар натижасида кейинги йилларда ўттиздан ортиқ доривор ўсимлик ҳар томонлама ўрганилиб, илмий тиббиётда қўллаш учун тавсия этилди. Ҳозирги кунда улардан меъда-ичак, жигар, буйрак, нафас йўллари, ўпка ва бошқа аъзолар касалликларини даволашда ҳамда профилактика мақсадларида самарали фойдаланилаётир.

Икки кунлик анжуманда бу борада мамлакатимиз ва жаҳон фармацевтика илми эришаётган ютуқлар, табиий гиёҳлар асосида яратилаётган янги дориларнинг шифобахш хусусиятлари, улардан амалда фойдаланиш самарасига бағишланган маърузалар тингланади.

Тадбир доирасида фармакогнозия соҳасида янги чоп этилган адабиётлар ва табиий дори воситалари кўргазмаси намойиш этилади.

ЎзА.

ИРРИГАЦИЯ РАВНАҚИ ЙЎЛИДА

2007 йилнинг январидан мамлакатимизда мелиорация ва ирригация техникаларига сервис хизмати кўрсатадиган янги қўшма корхона ишга тушади. Бу ҳақда қўшма корхона таъсисчиларидан бири, Россиянинг "Донецк экскаватори" корхонасининг Тошкентдаги ваколатхонаси менежери Дмитрий Тажитдинов маълум қилди.

– Россия мазкур қўшма корхонага 1 миллион доллар миқдорида улуш қўшади, – деди Д. Тажитдинов. – Экскаваторларга хизмат кўрсатадиган корхона Сирдарёнинг маъмурий маркази Гулистонда ташкил этилади. Сервис маркази замонавий жиҳоз ва асбоб-ускуна, қўшимча қисмлар билан таъминланади.

"Донецк экскаватори" корхонаси сертификатлаштирилган ремонт базаси, бутловчи қисмлар базасини ташкил этилишидан манфаатдор. Чунки, 30 йилга яқин вақтдан бери фойдаланиб келинаётган қишлоқ хўжалиги техникаси юртимизнинг ҳамма минтақаларидан келтирилиб шу ерда таъмирланади.

«Туркистон-пресс».

Маҳалла — жамият таянчи

ТАШКИЛОТЧИЛИК БОР ЖОЙДА

Ўзини ўзи бошқариш тамойиллари асосида иш юритаётган маҳалла фуқаролар йиғинининг фаолияти жамият ҳаёти билан боғлиқлигининг муҳим томони шуки, аҳолининг кўплаб мурожаати, шикоятлар, аризалар, талаб ва таклифлар ўз жойида — маҳалла идорасида ечимини топаяпти. Бунда кўплаб одамларнинг вақтлари тежалаяпти, қоғозбозликлар, асаббузарлик ва сарсонгарчиликлар деярли бўлмаяпти.

Билимли, ҳаёт тажрибасига эга, яхши ишларнинг бошловчиси бўла оладиган кишиларнинг одамлар томонидан танлаб, сайлаб қўйилиши ибратли ишларнинг кўпайишида, одамлар ҳаётининг яхшиланиб боришида бош омил бўлаяпти. Бундай одамлар бош бўлган маҳаллаларда олиб борилаётган ибратли ишларга доир кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Жумладан, Бўка тумани марказидаги Тошлоқ маҳалла фуқаролар йиғини фаолияти ҳақида кўп яхши гаплар айтишади.

Маҳалла қўмитаси тарбиявий ишларга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунда асосан фаоллар ва жамоатчилик ёрдамига таяниб иш юритиш яхши натижа бераяпти.

— Маҳалла ҳудудини ободонлаштириш учун юзлаб одамларни ҳашарга жалб этдик, — деди фуқаролар йиғини раиси Бахтиёр Ҳолиқов. — Халқимизнинг каттакатта ишларни ҳашар йўли билан бажариш одати яққол намоён бўлди. Маҳаллалар, кўчалар яна ҳам обод, кўркам, ораста бўлиб қолди. Шу куни ҳамма ўз ҳудудида ободонлаштириш ишларини олиб борди. Ариқлар тозаланди, дарахтлар оқланди, атроф-муҳит чиқиндилардан халос бўлди.

Кам таъминланган оилалар, ёлғиз қариялар, боқувчисини йўқотган ҳамда ногирон болаларга, уруш қатнашчиларига кўпроқ аҳамият бериляпти. Фаоллар уларнинг уйларида бўлиб, аҳволларини ўрганишади, зарур бўладиган ёрдамлар ҳақида хабар беришади. 2005 йилда 47 та оилага давлат маблағи ҳисобидан 7 миллион 157 минг 840 сўм тарқатилган бўлса, 2006 йилнинг ўтган ойларида 14 та оилага 606 минг 300 сўм маблағ билан ёрдам кўрсатилди. 2006 йилда 131 та оиланинг 16 ёшгача бўлган болалари учун 6 миллион 955 минг 530 сўм нафақа тўланди. 2 ёшгача болалари бўлган 27 та оилага 3 миллион 966 минг 800 сўм нафақа берилди. Булардан ташқари кам таъминланган оилаларга, боқувчиси йўқ кишиларга ҳам ҳомийлик ёрдамлари уюштирилаяпти.

— Маҳаллада байрамлар, ҳайитлар арафасида кўмакка муҳтож кишиларга ҳомийлик ёрдами кўрсатиш анъанага айланиб бораяпти. «Аккуммашсервис» корхонаси, 100 минг сўм, Тошлоқ масжиди 200 минг сўм ажратган бўлса, хусусий тадбиркор Дилмурод Ҳолиқов 21 та оилага 120 минг сўмлик ёрдам кўрсатди. Шунингдек, Шавкат Умрзоқов, Ёдгор Зиёдов, Дилмурод Султонов каби ҳомийлар ҳам хайрия ишларига ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Маҳаллада байрам арафасида яна 6 та хизмат кўрсатиш шохобчаси ишга туширилди. 17 киши иш билан таъминланди. Уларнинг ҳашар ва хайрия ишларидаги фаол иштироки маҳалла, туман маркази янада кўркам ва обод бўлиб боришига хизмат қилаётир.

Темур ҲАЙДАРОВ.

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ РАҲБАРЛАРИ, ИССИҚХОНА ВА ТОМОРҚА, ГУЛ ВА МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАР БИЛАН САВДО ҚИЛУВЧИ ДЎКОН ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Оққўрғон тумани «Қишлоқхўжаликкимё» филиали

юқори сифат билан тайёрланган ва минерал ўғитлар билан бойитилган, чекланмаган миқдордаги компост маҳсулотини келишилган нархларда сотади.
Ҳақиқий деҳқонгина компостнинг ҳар қандай экин учун қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканлигини билади.
Транспорт воситаси зарур бўлган мижозларга маҳсулот манзилига етказиб берилади.
Тўлов тури сиз хоҳлаган усулда амалга оширилади.

Бизнинг манзил:
Оққўрғон тумани, Х. Олимжон номли фермерлар уюшмаси ҳудуди.
Телефонлар:
109-63-56, 126-35-08, 55-21-495.

БЕЛАРУСЛИК ҲУНАРМАНДЛАР ТУҲФАСИ

Беларуслик ҳунармандларнинг ижодий ишлари Ўзбекистон Бадиий академиясининг халқаро маданият карвон саройи экспозициясини янада бойитди.

Тақдим этилган коллекция анъанавий халқ тўқимачилик услубида ишланган "Совчи учун сочиқ", шунингдек, турли шаклдаги сопол идишлар, "Ўрмон ажинаси" ва "Бувижон" деб номланган иккита сопол панно ҳамда тўртта безакли гулдондан иборат.

«Туркистон-пресс».

ЗАО «Тошкурилишматериалларилити» сообщает о проведении внеочередного общего собрания акционеров, которое состоится 18 октября 2006 года в 10 часов по адресу: г. Ташкент, ул. Сукрот, 13.

ПОВЕСТКА ДНЯ:
1. Преобразование акционерного общества в общество с органиченной ответственностью.
2. Утверждение состава комиссии по преобразованию акционерного общества.
3. Выкуп обществом акций принадлежащих акционерам, по рыночной цене.

Информация к сообщению об общем собрании акционеров

ЗАО «Тошкурилишматериалларилити» сообщает о праве акционеров требовать о выкупе обществом принадлежащих им акций по рыночной цене по котировке на РФБ «Тошкент».

Порядок осуществления выкупа акции:
1. Письменное требование акционера о выкупе акций направляется обществу с указанием места жительства акционера и количества акций, выкупа которых он требует.
2. Требование о выкупе должны быть предъявлены не позднее 45 дней со дня принятия решения общим собранием акционеров.
3. По истечению указанного срока общество в течение 30 дней обязано выкупить акции у акционеров, предъявивших требование о выкупе.

Наблюдательный совет.

Тергов амалиёти

АСОСЛИ ДАЛИЛЛАР ТОПИЛСА...

Дастлабки тергов босқичида далиллар асосан тергов ҳаракатларини ўтказиш орқали тўпланади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида сўроқ қилиш, юзлаштириш, гувоҳлантириш ва бошқа кўплаб тергов ҳаракатларини ўтказиш тартиби, уларнинг мақсади ва асослари баён этилган.

Шундай тергов ҳаракатларидан бири кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш-дир.

Суриштирувчи – терговчи гумон қилинувчилар, айбланувчилар, судланувчилар, гувоҳлар ҳамда жабрланувчиларнинг кўрсатувларини ҳодиса содир бўлган жойда ҳолатларни қайта тиклаш йўли билан текшириб кўришга ҳақлидир. У ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, сўроқ, тергов эксперименти, тинтув ва таниб олиш учун кўрсатиш каби ҳаракатларни ўз ичига олади.

Масалан, бир гуруҳ шахслар мастлик ҳолати туфайли хушидан кетган ва ўзининг уйи ёнида ётган К.ни қишлоқ чеккасига олиб бориб, кимнидир томорқасида ҳамёнидаги нарсаларини ўғирлашади. Улар қишлоққа қайтаётиб, К.нинг кўйлагини йиртиб, шу жойга ташлаб кетишади. Милиция ходимлари кўйлак бўлаклари топилган томорқани ҳодиса содир бўлган жой деб белгилайдилар. Жабрланувчи К. жиноят содир этиш вақтида хушида бўлмаган, шунинг учун у сўроқ вақтида ҳодиса содир бўлган жой тўғрисида ҳеч нарса маълум қилмаган. Ҳар бир айбланувчининг кўрсатувларини текширган терговчи ҳодиса содир бўлган жой ва уларнинг қишлоққа қайтиш йўналишини аниқлади. Уларнинг орасидан жабрланувчига тегишли бўлган, жиноят вақтида унинг кўйлагидан узилиб тушган тугма топилган. Мазкур ашёвий далил жабрланувчининг айбланувчилар кўрсатган жойда улар билан бирга бўлганлиги фактини тасдиқлади.

Хулоса қилиб айтганда, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш далилларни тўплаш мақсадида ўтказиладиган тергов ҳаракатларининг алоҳида тури бўлиб, у жиноятларни тез ва тўла очиш, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши, айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги, ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этиш ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлашга хизмат қилади.

Отабек МАМАТМУРАТОВ, ТДЮИ магистранти.

Шахсий фикр

МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТ БАРКАМОЛЛИК ДЕМАК

Ёш авлодга ҳар томонлама мукаммал таълим-тарбия бериш, камолот сари етаклаш масаласи ҳар доим долзарб бўлиб келган. Шунинг учун олам яратилибдики, инсоният ўз тараққиётининг илк давридан бошлаб, то бугунги кунгача пухта билим ва малака асосида камол топган шахсни орзу қилиб келади.

Буюк файласуф Платон, ҳар қандай давлатнинг равнақи шу мамлакат фуқароларининг ижтимоий ва мафкуравий камолоти билан чамбарчас боғлиқ, деган фикрни илгари суради. Айтиш жоизки, одамзотда тана ва онг қарама-қаршиликлари уйғун бўлгандагина ҳақиқий гўзаллик, нафосат дунёга келади. Жамиятимиз олдида мустақил, демократик давлат қуришдек шарафли вазифа турган ҳозирги пайтда шахсни давр талабига мос камол топтиришда маънавий бойлик, ахлоқий поклик ва жисмоний соғлик сингари уч асосий омил унинг камол топишида муҳим аҳамият касб этиши муқаррар. Маънавий бойлик мазмунан кенг тушунча. Уни юракдан ҳис қилиш учун ёш авлод қалбида миллий маънавият шаклланмоғи зарур. Демак, инсон камолотида миллий маънавият муҳим аҳамиятга эга. Ёш авлод онгига миллат, Ватан, халқ, келажак тушунчаларини соф ҳолда сингдириш керак.

Миллий маънавият ҳақида фикр юритишни аввало миллат тушунчасини изоҳлашдан бошлаш мақсадга мувофиқ. Миллат сўзи Авесто китобида қуйидагича таърифланади: «Ҳар бир миллат вакили ўз миллий қадриятларини ривожлантириш ва ўз миллатидан, қавмидан кечиб, бошқа миллатга ўтиб олиши гуноҳдир». Инсон онгида миллат тушунчаси билан миллий ахлоқ, миллий тарбия, миллий салоҳият мужассамлашса, миллий маънавият ривож топади. Миллий маънавият муайян элат, миллатга, унинг аждодларига хос бўлган ғоят қимматли маънавий бойлик-дир. Миллат мавжуд экан, миллий маънавият ҳам мавжуд бўлади. Миллий маънавиятни йўқотиш учун қанчалик ҳаракат қилинса, миллийликни, миллий маънавиятни сақлаш учун кураш шунчалик кучаяди. Хулоса шуки, инсон қалбидаги миллийликни йўқотиш мумкин эмас. Миллий маънавият ҳам тарихий, ҳам бугунги кунда мавжудлигини сақлаб турган кўп ўлчамли воқеликдир. Инсон маънавий олами ўлчамлари чексиз бўлиб, уни ҳеч бир нарса билан қиёслаш мумкин эмас. Миллий онгнинг ривожланиши миллий ўзликни англаш сари етаклайди. Демак, инсон камолотида миллий онг, миллий ўзликни англаш муҳим аҳамият касб этади. Миллий маънавиятнинг асосий белги ва ўзаги миллий ахлоқ саналади. Миллий манавиятда — миллий ҳис, туйғу, руҳият ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Марказий осиёлик мутафаккирларнинг асарларида миллий меросда, манбаларда ўзбекона ахлоқ-одобга оид маънавий фазилатлар ҳақида кўплаб қимматли фикр, маълумотлар мавжуддир. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг «Бобурнома» асарида ўзбекларга хос бўлган кўплаб маънавий-ахлоқий сифатларни тасвирлайди. «Улар имон ва эътиқодли, андишали, хушфеъл, одил, саҳий, меҳнатсевар халқдирлар», деб таърифланади.

Ёш авлоднинг камолотида — миллий маънавият билан бир қаторда миллий тарбия ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Миллий тарбия — у ёки бу миллат, элат вакилларининг миллий маданиятини, меросини, қадриятларини, урф-одатларини, анъаналарини ўзлаштириш ҳисобланиб, у миллий онг ва миллий ўзликни англаш субъектидир. Абдулла Авлоний каби маърифатпарвар фидойилар XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Туркистондаги маънавий инқироз ҳақида гапириб, таълим-тарбия ишларини яхшилаш, ахлоқни юксалтириш орқалигина бу оғир вазиятдан чиқиш мумкинлигини таъкидлаган эдилар. «Тарбия, — деган эди Абдулла Авлоний, — бизлар учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир». Бу фикрларнинг аҳамияти ҳозир ҳам пасайгани йўқ. Ўзбек миллати фақат миллий, маънавий камолот орқалигина юзага келиши мумкин бўлган маънавий инқирознинг олдини олиши мумкин.

Хулоса шуки, миллий тарбиямизга хос бўлган меҳр-оқибат, мурувват, андиша, ор-номус, бағрикенглик хусусиятлари ёшлар камолоти учун хизмат қилсин.

Жамшид ҒОЗИЕВ, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети талабаси.

Пахта – 2006

ҲАР ЧАНОҚ ДИЛЛАРГА НУР СОЧГАН ПАЛЛА

сафарбар этди. Бир сўз билан айтганда, деҳқон сарсон бўлмади, ҳафсаласи йўқолмади, ишидан кўнгли совумади.

Таъкидлаш жоизки, вилоят ҳокимлиги пахтачиликни ҳар томонлама мукаммал таъминлаш ва ҳар бир тадбирнинг аниқ мақсад, пухта режа асосида амалга оширилишига оқилона раҳбарлик қилиб, тармоққа йўналтирилган барча ресурсларни мукаммал назоратда ушлади. Шунингдек, мавжуд ширкат ва фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалик техникаларига бўлган талаб ва эҳтиёжи атрофлича ўрганиб чиқилди. Янгиларини харид қилиш йўллари изланди. Умуман, бу йил вилоятимиз қишлоқ хўжалиги техник имкониятларини яхшилаш мақсадида 8 миллиард сўмлик янги техника ва агротехник механизмлар харид қилинди.

Мукаммал техник имкониятга эга бўлган деҳқонлар ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, экин парваришини кечиктирмай, оби-тобида ўтказишга эришдилар. Бу, ҳеч шубҳасиз, мўл ҳосил учун қўйилган муҳим замин бўлди.

Айтиш мумкинки, бу йил пахтачилик таъминотида мутлақо узилиш бўлмади. Пахтакорларимиз мавжуд шахобчалардан минерал ўғитлар, ёқилғи-мойлаш ашёларини муттасил олиб туришди. Ҳатто, талабга қараб, уларни қўшимча миқдорда олиш имкони ҳам яратилди. Бундан ташқари, далаларни маҳаллий ўғитга тўйинтиришга ҳам катта эътибор қаратилди.

Сир эмас, илгарилари ҳосилнинг бир қисми ғўза зараркунандаларига бой бериларди. Айрим йиллари ҳосилнинг 20-30 фоизи ҳам шу тариқа нобуд бўларди. Чунки, кимёвий дориларнинг нархи жуда қиммат бўлиб, бу кўп жиҳатдан ўзини оқламас эди. Эндиликда ғўза зараркунандаларига қарши курашишнинг анча арзон, безарар йўли – биологик усулдан кенг фойдаланиляпти. Ҳозир пахтакорларга хизмат кўрсатувчи биолабораториялар тармоғи ҳам анча кенгайиб, мутахассислар билан қилаётган ҳамкорлик яхши самара бераяпти.

Соҳа вакиллари бу мавсумни пойтахт вилояти пахтакорлари фаолиятида кескин бурилиш палласи бўлди, дея эътироф этмоқдалар. Дарҳақиқат, катта молиявий сарф-харажат, улкан меҳнат-машаққат эвазига етиштирилган ҳосилни бу қадар тез, сифатли йиғиштириб олиш юксак ташкилотчилик ва ташаббускорлик талаб этиши билан бирга, одамларни меҳнатга руҳлантириш ва рағбатлантира олишни тақозо қилади.

Мавсумда бу ниҳоятда оқилона ҳал этилди. Ҳосилни йиғиб-териб олишда отряд усули жорий қилинди. Бу усул катта уюшқоқлик ва сафарбарликни таъминлади, ҳар бир теримчининг шахсий масъулиятини кучайтирди. Иш ҳақлари асосан кундалик равишда, имкон қадар дала бошларида, қўшимча рағбат асосида бериб турилди. Теримчилар шижоати туфайли кун бўйи тарозибоннинг қўли-қўлига тегмади. Кун якунида ҳисоб-китоб қилинди. Рўйхатда ҳар кунгидек хўжаликнинг илғор теримчиси Гулчеҳра Жумаеванинг исми-шарифи ёнида 200 рақами қайд этилган. Мавсум бошидан буён унинг уйган хирмони — 8 тоннага етибди!

— Зарифа Сатторованинг ҳаракати ҳам чакки эмас, — дейди фермер Саидвали Раҳимов. — Сурьат кечагидан юқори — 190 килограмм. Уларнинг издошлари Гўзал Қосимова, Навбаҳор Қурбонова, Барчиной Раҳимова, Юсуф Жумаев каби ўнлаб теримчиларнинг ҳам кунлик терган пахтаси 160-170 килограммни ташкил этяапти.

Ҳа, пахта йиғим-терими ҳал қилувчи паллага кирган бир даврда бунга Бўка туманининг Ойхўжа Йўлдошев номли фермерлар уюшмасига қарашли «Шерали-Саид», «Облоқул Тоҳир» ҳамда «Юлдуз» фермер хўжаликлари далаларида гувоҳ бўлдик.

Айниқса, йиғим-терим ишларининг ҳамкорликда, маҳаллий теримчилар кучи билан амалга оширилганлиги, қолаверса, иш ҳақининг дала бошида ҳар куни бериб борилиши ва теримчилар учун яратилган мавжуд шарт-шароитлар суръат ва сифатга қанот боғлади. Энг муҳими, ёрдамчи кучга ҳожат қолмади.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Терим қизғин паллага кирган сентябрь ойининг охиргисида ширкат ва фермер хўжаликлари, кўпгина йирик корхона ва ташкилотлар, жамоат бирлашмалари мавсум илғорларини муносиб тақдирлашда ташаббускорлик кўрсатдилар. Ҳар куни далалардан йиғиштириб олинган ҳосил пешма-пеш қабул пунктларига етказиб турилди. Вилоят «Пахтасаноат» АЖнинг 40 дан ортиқ пахта пунктларида уларни қабул қилиб олиш, тортиш ва навларини аниқлаш ишлари пухта йўлга қўйилди. Тороз бошида ҳам, лабораторияларда ҳам ҳосилнинг ҳақиқий эгалари турди, ортиқча муаммо ва эътирозга ўрин қолмади.

Терим қизғин паллага кирган сентябрь ойининг охирги ўн кунлигида пахтакорларимиз йиллик режанинг 4,5-5 фоизи миқдоридан ошириб, пахта топширишга муваффақ бўлдилар. Буни таъминлашда, айниқса, Чиноз, Қуйичирчиқ, Оққўрғон, Бўка ва Бекобод каби пахтакор туманларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, вилоятимиз иқтисоди пахтачиликдан 102 миллиарддан зиёд даромад кўради. Унинг 20 миллиард сўмдан кўпроғи соф фойда бўлиши кутилаяпти. Шуниси эътиборга моликки, қишлоқ хўжалигида эришилаётган даромадлар асосан аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, ижтимоий муҳофаза қилиш, шаҳар ва қишлоқлар ободончилигини таъминлаш, ижтимоий соҳа объектларининг қурилишига сарфланаяпти. Ўтган вақт ичида вилоятда кўплаб янги ўқув ва соғлиқни сақлаш муассасалари, спорт иншоотлари бунёд этилиб, ҳудудлар кўркига кўрк бағишлади. Энг чекка қишлоқларга табиий газ ва тоза ичимлик суви олиб бориш ишлари жадаллашди. Бу ҳар биримизнинг кўксимизни ғурур ва шодлик тўлдириши, руҳлантириши шубҳасиз.

Вилоятимиз пахтакорлари зиммаларидаги ғоят масъулиятли вазифани шараф билан адо этган бўлсалар-да, ҳали далаларда ҳосил мўллиги боис, йиғим-терим у қадар сусаяётгани йўқ. Ҳозир ҳам пахтазорлардан кунига 4500-5000 тонна атрофида хом ашё йиғиб олинаяпти. Деҳқонлар қолган ҳосилни ҳам тезроқ саранжомлаб, кузги шудгорни барвақт якунлаш, келгуси йил ҳосили учун пухта замин ҳозирлаш ниятидалар.

СУРАТЛАРДА: *бўкалик Омоновлар сулоласи фермерликда юқори самарадорликка эришмоқда; «Дўстобод» пахта қабул қилиш пункти мудири Нодир Абдуллаев ва механизатор Нодир Норбўтаев ўзаро суҳбатлашмоқда.*

Еркебой БОТИРОВ ва Ҳусанбой АВВАЛОВ олган суратлар.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Пахта – 2006

МАВСУМ ШУКУҲИ ЎЗГАЧА

Назаримда, бу йилги мавсум нафақат туманимиз, балки бутун вилоятимизнинг узоқ йиллик пахтачилик тарихида ўзига хос ўрин тутади.

Кўпгина ер эгалари қатори мен ҳам шу тармоқда кўп йиллардан бери деҳқончилик қилиб келаман, бироқ далаларимизда қачон бу қадар баракали ҳосил етиштирилиб, йиғим-терим мавсуми ҳар тарафлама уюшқоқлик ҳамда юксак ташкилотчилик билан ўтганини ҳатто эслолмайман.

Деҳқончасига, дангалини айтганда, юртимизда катта-катта ерларнинг ҳақиқий эгаларига берилиши, уларнинг эмин-эркин иш юритиши учун етарли имкониятларнинг яратилиши жуда оқилона иш бўлди. Бинобарин, буни ўтган муддат яққол кўрсатиб берди.

Эндиликда фермерлар сифатли уруғликдан тортиб, зарур минерал ўғитлар, ёқилғи-мойлаш ашёлари, керак бўлса, қўшимча техника ва механизмлар таъминотида тўсиқларга дуч келмайдиган бўлишди. Шу сабабли ҳам бу йил далаларимизда ҳар қачонгидан ҳам мўл ҳосил етиштиришга муваффақ бўлдик. Уни қисқа муддатда, тоза териб олиб, ҳаммасини энг юқори навларга сотдик.

Тўлисбек ХОЛМЕНОВ,
Оққўрғон туманидаги «Кўптасар ота» фермер хўжалиги раҳбари.

СУРАТДА: *фермер Т. Холменов «Элтамғали» қишлоқ фуқаролар йиғини фаоллари билан навбатдаги режалар хусусида суҳбатлашмоқда.*

Бўка тумани:

ҚИРҚ МИНГ ТОННАДАН ОШДИ

эвазига етиштирилган пахта ҳосилини қисқа муддатда тез ва сифатли йиғиб-териб олишнинг аниқ тадбирлари белгиланди. Мавсумда барча бўкаликлар уюшқоқлик ва ташаббус кўрсатдилар. Жойларда теримчиларнинг унумли ишлашлари, яшашлари ва дам олишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилганлиги, улар орасида турфа мусобақалар ташкил этилиб, илғор теримчилар моддий ва маънавий рағбатлантирилиб борилгани, терим учун ҳақ тўлаш пухта ташкил этилганлиги туфайли туманда асосан кунига йиллик режанинг 5 фоизидан ошириб пахта топширишга эришилди.

Туман пахтакорларининг катта меҳнат ғалабасига биринчи бўлиб зафар маррасини эгаллаган ва ҳозиргача йиллик режанинг қарийб 120 фоизи миқдорида пахта тайёрлашга эришган F. Азаматов номли, шунингдек, «Ачамайли», «Хўжақўрғон», С. Саймоқов номли ширкат хўжаликлари ҳамда юзлаб фермер хўжаликлари, айниқса, салмоқли ҳисса қўшдилар. Фермер хўжаликлари тобора етакчи кучга айланиб бораётгани бу мавсум яққол намоён бўлди. Улар йил бошида 29651 тонна пахта тайёрлаш юзасидан контрактация шартномасини тузган эдилар. Бу ўтган йилгидан 12754 тонна кўп, демакдир. Аҳдига вафоли деҳқонлар зиммаларидаги вазифани ортиғи билан адо этдилар.

«Омон Боқи», «Мурувват», «Жонтой ўғли Қуролбой», «Жўра Мафтуна», «Камолот», «Абдураҳмон орзуси», «Турон ота ўғли Мусаддин», «Сайёра-АТД» каби юзлаб фермер хўжаликлари туманда биринчилар қаторида маррага етиб, ҳар тарафлама намуна бўлдилар.

Эргаш ЙЎЛДОШЕВ.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўртачирчиқ тумани:

ҲОСИЛ БАРАКАСИ – ҲАРАКАТДАН

тоннадан ошди. Яна икки – «Ҳақиқат йўли» ҳамда А. Икромов номли ширкат хўжаликларида ҳам пахтакорлар меҳнат зафари сари тобора дадил одимламоқдалар.

Маълумки, туманда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлари институтининг ўқув-тажриба маркази ҳамда Тошкент Давлат аграр университетининг экспериментал муассасаси мавжуд. Бироқ, кейинги йилларда бу хўжаликларда хом ашё тайёрлаш режалари сурункасига барбод бўлиб келарди. Эътиборли жиҳати, изланиш, интилиш ва омилкорлик самараси ўлароқ, мазкур тажриба муассасалари ҳам зиммаларидаги топшириқни қисқа муддатда ортиғи билан адо этишга эришдилар.

– Туманимизнинг юксак хирмонини бунёд этишда фермерлар улуши катта бўлганидан ғоят фахрланаман, – дейди «Эгамберди Карвон» фермер хўжалиги раҳбари, «Шуҳрат» медали соҳиби Маҳмуд Эгамбердиев. – Биз, заминдорлар ўзимизга билдирилган ишонч ва эътибордан руҳланиб, бу мавсум ялпи хирмонга 25 минг 800 тоннадан ортиқ сифатли хом ашё тўқдик. Бунда тармоқда фаолият юритаётган 400 га яқин фермер хўжаликларининг муносиб ҳиссаси бор. Биргина бизнинг хўжалик аъзолари бу йили 139 гектар ерда деҳқончилик қилиб, қабул пунктларига 390 тонна ўрнига 460 тонна пахта етказиб беришди.

Айни кунларда пахтазорларда йиғим-терим ишлари давом этмоқда. Пахтакорларнинг шу чоққача далалардан йиғиштириб олган ҳосили 38 минг тоннага етиб қолди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бекобод тумани:

«КАТТА КАРВОН»НИНГ ЮКСАК МАНЗИЛИ

каммал эгаллаб улгурдилар. Хусусан, қисман шўрланган ва ер ости сувлари юзалашган майдонларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаб боришга, бунинг учун куз, қиш ойларида мавжуд ариқзовурларни сифатли тозалаш, чигит экишдан тортиб барча агротехник жараёнларни мукаммал ўтказишга катта эътибор қаратилаётгани ўз самарасини бераяпти.

Туманнинг ялпи хирмонига энг салмоқли улуш қўшган хўжалик «Бекобод» агросаноат мажмуидир. Унинг деҳқонлари юқори ҳосилдорлик эвазига шартномада белгиланган 3325 тонна ўрнига 4270 тонна сифатли хом ашё топширишди. Бу белгиланган режа салкам 130 фоизга бажарилганидан далолатдир.

Албатта, бундай катта хирмонни жамиятнинг истиқболли мулкдорлари — фермерлар ҳиссасисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ернинг чинакам эгасига айланган заминдорлар туман пахтасининг 29284 тоннасини, бошқача айтганда, 70,9 фоизини бердилар. Ўтган йили туман бўйича пахтачиликда фермерлар улуши 57 фоизнинг нари-берисида бўлганди. Тумандаги «Гуласалбону», «Абдураҳмон», «Назарвой», «Тошпўлатбой» ҳамда Абдуҳолиқ Жабборов номли ўнлаб фермер хўжаликлари деҳқонлари 30 центнердан ошириб ҳосил уйишди ва шу чоққача зиммаларидаги режани 120-140 фоиз қилиб бажариб қўйишди.

Туман меҳнаткашлари далаларни тезроқ ҳосилдан бўшатиб, кузги-қишки юмушларни барвақт бошлашни режалаштирганлар.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Юқоричирчиқ тумани:

ИЗЛАНИШ ВА ИНТИЛИШ САМАРАСИ

Шунга қарамай, туманнинг лафзи ҳалол, танти деҳқонлари изланиш ва интилиш, тадбиркорлик самараси ўлароқ кейинги йиллар тармоқда яхши натижаларга эришиб келаётирлар.

Туман пахтакорлари уйган хирмонга беистисно барча ширкат ва фермер хўжаликлари муносиб улуш қўшди. Айниқса, энг йирик, тармоқда катта тажриба ва довруқ қозонган «Гулистон» ширкат хўжалиги деҳқонларининг салмоқли ҳиссасини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хўжалик далаларидан кечаги кунгача сал кам 3 минг тонна ҳосил йиғиштириб олиниб, шартнома режаси 115 фоиздан ошириб бажарилди. Ҳосилдирлик 32-33 центнер атрофида бўлаяпти. «Дўстлик» ва «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги деҳқонлари ҳам айни кузнинг илиқ-иссиқ кунларидан оқилона фойдаланиб, мавжуд ҳосилни тезроқ саранжомлаб олиш чораларини кўрмоқдалар.

Юқоричирчиқлик фермерлар ҳам бу мавсум аграр тармоқнинг чинакам етакчиларига айланаётганликларини амалда исботладилар. Туман ялпи хирмонига пахта етиштирувчи 380 та фермер хўжалиги 10870 тоннадан зиёд улуш қўшди. Бу ялпи ҳосилнинг қарийб 66 фоизи фермерлар даласида етиштирилганлигини кўрсатади. Ўтган йили бу кўрсаткич 52 фоиз атрофида бўлган эди. Аксарият заминдорлар мавсумда илғорлик қилиб, 30-35 центнердан ҳосилдорликка эришдилар. Бу туман шароитига ҳавас қилса арзигулик натижадир.

Туман хўжаликларида пахта йиғим-терими давом этмоқда. Айни дамда юқоричирчиқлик пахтакорлар кунлик суръатда пешқадамлик қилишмоқда.

(Давоми. Боши 1-бетда).

МУАММОЛАР ҲАЛ, ДАРОМАДИМИЗ МЎЛ БЎЛДИ

Бугун бизнинг Бўка туманимиз ҳам чинакам заминдорлар, омилкор ер эгалари масканига айланди. Ҳозир туманимизда мустақил иш юритаётган фермерлар сони салкам 1300 тага етди. Улар деҳқончилик қилаётган ерларнинг умумий ҳажми 25 минг гектардан ошаётган заминдорларимиз фаолияти қанчалик кенг қулоч ёйиб улгурганидан далолат беради.

Буни қарангки, матонатли меҳнат, эртанги кунга ишонч, изланиш ва интилувчанлик ҳамиша юксак уфқлар сари йўл очаркан. Олдимиздаги суньий тўсиқлар, ечими чигал муаммолар давлатимиз, бевосита Юртбошимиз ғамхўрлигида ижобий ҳал этилди. Фермернинг душмани, бутун элу юртнинг, жамиятнинг душманига айланди.

Бу йилги мавсумнинг деҳқонлар учун ғоят муваффақиятли келгани ҳақида ҳар қанча гапириш мумкин. Хўжалигимиз уруғчиликка ихтисослашган. 31,5 гектар майдонда ҳосил етиштирдик. Ҳосилдорлик контрактация шартномасида 28 центнер этиб белгиланганини ҳолда, биз уни амалда 35 центнерга етказишга эришдик. Шу чоққача далалардан йиғиштириб олинган ҳосилимизнинг ҳаммаси биринчи навга қабул қилинди. Дастлабки ҳисоб-китобларимизга кўра, тармоқдан оладиган даромадимиз 35-40 миллион сўм атрофида бўлади.

Абдурашид АБДУРАҲМОНОВ,
Бўка туманидаги «Камолот» фермер хўжалиги раҳбари.

СУРАТДА: *фермер ўз аъзолари билан пахтазорда.*

ЕР БИЛАН «ТИЛЛАШИБ»

Ҳар йили туманимиз пахтакорлари вилоят хирмонига энг кўп улуш қўшадилар. Бу ҳеч шубҳасизки, бекободлик ҳар бир ер эгаси зиммасига катта масъулият ва бурч юклайди.

Хўжалигимиз аъзолари билан ишга ҳамиша ана шу масъулият ҳисси билан ёндашамиз. Хусусан, бу мавсум ҳам ер билан «тиллаша» олган деҳқонларимиз билан бир тану жон бўлиб ҳар қарич ерда мўл ҳосил етиштирдик. Теримни тез ва соз фурсатда, юқори сифат билан якунлаб олганимиз боис, қабул пунктларига жўнатилган 60 тоннадан зиёд пахтамиз 100 фоиз 1-навга қабул қилинди. Ҳосилдорлик 30 центнердан ошди.

Дастлабки ҳисоб-китобимизга кўра, тармоқдан 10 миллион сўм атрофида соф фойда кўрамиз.

Ҳошим АБДУРАҲМОНОВ,
Бекобод туманидаги «Маҳкамбой ҳожи» фермер хўжалиги раҳбари.

СУРАТДА: *фермер Ҳошим Абдураҳмонов ёрдамчиси Маманазар Турсунбоев билан.*

Мавсум илғорлари

ЎН КУНДА 215 ТОННА

Эрта тонгдан қадрдон машина рулига ўтириб, сутдек оппоқ пахтазорга шўнғир эканман, ҳар сафар деҳқон меҳнати, азму-шижоатига тасанно дегим келади. Чунки, бу мавсум беповён пайкалларда битган ҳосилни чинакам мўъжизага киёс этиш мумкин.

Теримга жамоамиз билан бошиданоқ пухта ҳозирлик кўрдик. Мавжуд «Кейс-2022» терим агрегатларини талаб даражасида таъмирлаб, соз ва шай ҳолга келтириб қўйгандик. Пахта обитобида етилиб, теримолди агротехник тайёргарликлар меъёрида ўтказилган майдонларда сентябрь ойининг сўнгги ўн кунлигида машина теримига киришилди. Эгатлар бегона ўтлардан яхши тозалангани, дефоляция тадбирлари вақтида, сифатли ўтказилгани, энг муҳими, чаноқларда мўл ҳосил тўплангани ишимизда қийинчилик туғдирмади, кунлик суръатда унум ва барака бўлди. Бункерлар пешма-пеш тўлаверди, терим сифати таъминланди. Машиналарнинг бир маромда ишлаши, кундалик техник назоратдан ўтказилиб, ёқилғи-мойлаш ашёлари билан вақтида таъминланиб тургани боис, носозликлар келиб чиқмади.

Ҳисоблаб кўрсам, дастлабки ўн кун ичида бошқарувимдаги машина ёрдамида 215 тонна пахта териб олишга муваффақ бўлибман. Кўп йиллардан бери пахтазордаман. Аммо, рости бундай натижага эришмагандим. Бу ҳосилимиз мўл, юзимиз ёруғ бўлганидан далолатдир.

К. АЙНАҚУЛОВ,
Куйичирчиқ тумани МТПсининг «Кейс» оператори.

Гулчеҳра эрта тонг махали далага етиб келганида кузнинг бекарор осмонидан ёмғир томчилаб ўтди. Этак боғлар экан, иккинчи теримда ҳам қийғос очилган пахталарнинг ёмғирда қолишидан ҳадиксираб юраги увушди. Чаккончилик билан эгатга тушди.

ТОНГ РЎМОЛИ БОШИДА...

Кўп ўтмай ҳаво ҳам очилди. Ғўзалар косасидаги омонат илинган томчилар қуёш ҳароратига дош беролмай, изсиз йўқолди. Теримчилар шижоати туфайли кун бўйи тарозибоннинг қўли-қўлига тегмади. Кун якунида ҳисоб-китоб қилинди. Рўйхатда ҳар кунгидек хўжаликнинг илғор теримчиси Гулчеҳра Жумаеванинг исми-шарифи ёнида 200 рақами қайд этилган. Мавсум бошидан буён унинг уйган хирмони — 8 тоннага етибди!

— Зарифа Сатторованинг ҳаракати ҳам чакки эмас, — дейди фермер Саидвали Раҳимов. — Сурьат кечагидан юқори — 190 килограмм. Уларнинг издошлари Гўзал Қосимова, Навбаҳор Қурбонова, Барчиной Раҳимова, Юсуф Жумаев каби ўнлаб теримчиларнинг ҳам кунлик терган пахтаси 160-170 килограммни ташкил этяапти.

Ҳа, пахта йиғим-терими ҳал қилувчи паллага кирган бир даврда бунга Бўка туманининг Ойхўжа Йўлдошев номли фермерлар уюшмасига қарашли «Шерали-Саид», «Облоқул Тоҳир» ҳамда «Юлдуз» фермер хўжаликлари далаларида гувоҳ бўлдик.

Айниқса, йиғим-терим ишларининг ҳамкорликда, маҳаллий теримчилар кучи билан амалга оширилганлиги, қолаверса, иш ҳақининг дала бошида ҳар куни бериб борилиши ва теримчилар учун яратилган мавжуд шарт-шароитлар суръат ва сифатга қанот боғлади. Энг муҳими, ёрдамчи кучга ҳожат қолмади.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

МУВАФФАҚИЯТНИНГ УЧ ОМИЛИ

Узоқ йиллардан бери пахтанинг ичида юриб, тармоқда юқори самарадорликка эришишнинг учта асосий босқичи борлигини кўп бора бошимдан ўтказганман.

Аввало, ерни оби-тобида тайёрлаб, чигитни энг мақбул паллада экиб олиш лозим. Шунда у бехато, текис униб чиқади, тўлиқ кўчат олинади. Деҳқонлар бежизга «хато экин — бало экин» дейишмайди.

Иккинчидан, ғўза ғоят эътиборталаб, кун санайдиган экин. Ҳар бир агротехник ишловнинг ўз фурсати ва меъёри бор. Айниқса, июль-август ойларида экин ривожига бефарқ бўлган деҳқон ҳосилнинг салмоқли қисмини бой беради.

Яна бир ҳал қилувчи жараён борки, бу пахтакорнинг чинакам матонати, омилкорлигини белгилайди. Ношудлик қилиб, минг машаққат эвазига етиштирган ҳосилни вақтида йиғиб-теролмаган деҳқоннинг юзи шувут бўлади, даромадини йўқотади.

Хўжалигимизнинг раҳбарларидан тортиб, барча аъзолари бу тамойилларга қатъий амал қиладилар ва шунинг учун ҳам йиллик шартнома режаларини ҳар йили вилоятда биринчи бўлиб бажаришга эришадилар. Бу мавсум ҳам шундай бўлди. Давлатга белгиланган 1083 тонна ўрнига 1400 тоннадан зиёд «оқ олтин» етказиб бердик. Ҳосилдорлик 35 центнерни ташкил этди. Натижада, ҳар бир пудратчининг моддий манфаатдорлиги беқиёс ортиб бораяпти.

Ўринбой АБДУЛАҲАДОВ,
Чиноз туманидаги «Эшонобод» ширкат хўжалиги бош пудратчиси.

Саҳифа материалларини «Тошкент ҳақиқати» мухбири Ғайрат ШЕРАЛИЕВ тайёрлади.

• Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт

«ТОШКЕНТ ОПЕН» ЯКУНЛАНДИ

Тошкент теннис марказида Аёллар теннис уюшмаси – WTA Tour мусобақалар тақвимидан жой олган хотин-қизлар ўртасида "Тошкент опен" анъанавий халқаро теннис турнири якунига етди.

Мусобақанинг финал учрашувида омад хитойлик иқтидорли ёш теннисчи – Тиантиан Сун томонида бўлди. У ўзига қарши кортга чиққан ҳамюртимиз Ирода Тўлагановани 6:2, 6:4 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Энди Т. Сун ҳам ўз вақтида "Тошкент опен" турнирида ғолиб чиққан А. Смашнова (Исроил), Б. Ламаде (Германия), И. Тўлаганова (Ўзбекистон), М. Микаэлян (Швейцария), В. Руано Паскуал (Испания), Н. Ваидисова (Чехия) ва М. Крайчек (Нидерландия) каби хотин-қизлар тенниси оламида ўз обрў-эътиборига эга теннисчилар сирасига қўшилди.

Мусобақанинг жуфтликлар ўртасидаги беллашувларида Беларусдан келган теннисчилар – Виктория Азаренко ва Татьяна Пучек жуфтлиги турнир ғолиби, деб топилди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА мухбири.

«РИГА» МАҒЛУБ БЎЛДИ

Футбол бўйича Осиё чемпионатининг саралаш босқичида иштирок этаётган Ўзбекистон миллий терма жамоаси навбатдаги учрашувини 11 октябрь куни сафарда Бангладеш терма жамоасига қарши ўтказади.

Гуруҳ босқичининг бешинчи тури ҳисобланган мазкур баҳсга пухта тайёргарлик кўриш мақсадида футболчиларимиз пойтахтимизда Латвиянинг "Рига" жамоаси билан ташкил қилинган ўртоқлик учрашувида майдонга тушди.

Беллашув ўзбекистонлик чарм тўп усталари устунлигида ўтди. Ҳамюртларимиз ўйиннинг ўнинчи дақиқасида Улуғбек Бақоевнинг аниқ зарбаси эвазига ҳисобни очди. Иккинчи бўлимда терма жамоамиз вакиллари "Рига" посбонини яна бир бор ўз дарвозасидан тўп олиб чиқишга мажбур қилди.

ЎзА.

Фарғонада байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича ўтказилган мамлакат кубоги мусобақасида юз нафарга яқин спортчи ғолиблик учун куч синашди.

КИМ ЭПЧИЛ-У, КИМ ЧАҚҚОН...

Байдаркада эшкак эшиш бўйича эркаклар ўртасида Сергей Борзов, хотин-қизлардан Юлия Борзова ўзини кўрсатди. Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 200, 500 ва 1000 метр масофага ўтказилган пойгаларда барча рақибларини ортда қолдириб, маррага биринчи келди.

Жуфтликлар баҳсида Сергей Борзов-Алексей Бобожонов ҳамда Юлия Борзова-Екатерина Шубина дуэтлари учтадан олтин медални қўлга киритди. Юлия Борзова Екатерина Шубина, Елена Мишина, Татьяна Пўлатова билан ҳамкорликда тўртликлар баҳсида уч маротаба биринчи ўринни эгаллади.

ПОЙГА БОШЛАНДИ

Тошкент вилояти йўллари бўйлаб велошоссе бўйича ўтказилаётган мамлакат кубоги мусобақасида эллик нафардан зиёд спортчи ғолиблик учун куч синашмоқда.

Мусобақанинг биринчи босқичида 25 километр масофага пойга ўтказилди ва унда сирдарёлик Владимир Тўйчиев маррага биринчи келди.

Наманганлик Николай Қозоқбоев иккинчи, пойтахтлик велоспортчи Руслан Михайлов чиркиқлик Евгений Сисоев билан бирга учинчи ўриндан жой олди.

ЎзА.

ЁШЛИК ВА БАҒРИКЕНГЛИК

Тошкент Фотография уйида ёшлик ва бағрикенгликка бағишланган кўргазма очилди. 17 октябрга қадар давом этадиган мазкур тадбир Германиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси кўмагида Германия техник ҳамкорлик жамияти билан биргаликда ташкил этилди.

Мамлакатимиздан ташқари МДҲ давлатлари ва Европадан юздан зиёд ёш йигит-қизнинг ижодий ишлари намойиш этилаётган мазкур тадбир A LoT: Acceptance through Love and Tolerance лойиҳаси доирасида очилди. Лойиҳа фототанлов, фотокўргазма ва турли семинарлар ташкил қилишни ҳам ўз ичига олган. Лойиҳа ташкилотчилари асосан ёшлардан иборат. Лойиҳа доирасида ўтказилган танловда 120 дан зиёд ижодий иш саралаб олинди ва мазкур кўргазмага қўйилди.

Ж. КЕНГБОЕВ, ЎзА мухбири.

Қилмиш-қидирмиш

ЗАҲАРЛАНГАН УМР

Мўмай даромад илинжида гиёҳвандлик моддаларини сотиш ҳамон камаймаётир.

Вилоят ички ишлар бошқармаси жиноят-қидирув ҳамда Наркотрафик ва гиёҳванд моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши курашиш бўлимлари ходимларидан иборат гуруҳ тузилиб, бундай нохуш ҳолатларнинг олди олинмоқда. Чунончи, Пскент туманида 1952 йил туғилган С. Абдулазиз 800 грамм «опий» моддасини 1.700 АҚШ долларига сотаётган вақтда ушланди.

Шунингдек, Янгийўл шаҳрида ўтказилган тезкор тадбир давомида бекободлик М. Ўктамой 201 грамм кучли таъсир этувчи гиёҳвандлик моддаси – героинни 3000 АҚШ долларига сотаётганида қўлга олинди. Шу тариқа зарҳи қотил тарқалишининг олди олинди. Жиноятни фош этган ички ишлар ходимлари муносиб тақдирланди.

Ҳозирда эса, ушбу ҳолатлар бўйича тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Шерали АНВАРОВ, вилоят ички ишлар бошқармаси матбуот марказининг катта инспектори.

Адашбой бир оқшом уйга ичиб келиб, томоша кўрсатди: эшикни тепиб очди, қўлтиғидаги қўғирчоқни ерга кўтариб урди, кейин бошига муштлаб, нола қилди:

— Эй Худо, сенга нима ёмонлик қилдим, қайси гуноҳим учун менга жазо бердинг. Ҳамма номаи амалларим зое кетди. Ўжарниса хотин барибир ўз билганини қилди, яна ўғил туғибди. Минг марта тайинладим унга, қиз туғ, қиз туғ деб. Бошлиғимизнинг гапи ҳам ерда қолди. Султонбек Амирхонович туғруқхона директорига: «Адашбойни хотини қиз туғса, яхши бўларди», деб илтимос қилган эди, энди нима деган одам бўлдим.

— Ҳой, ношукр банда, ҳали шуни ваҳимасими? Набирам соғ туғилибдими, ишқилиб? — сўради Хурсандбой ака.

— Уч ўғилдан кейин яна ўғил туғибди, қайсар келинингиз!

— Хотинингни онаси ҳам қиз туғмаган, майли тўрт ўғлингга қиз келади, хафа бўлма, — ҳазиллашди ота.

Адашбой зарда билан қўл силтади:

— Бўлди, етар, ажрашаман, бошқа хотин оламан!

— Тўртта болани катта холанг боқадими, тентак, ўйлаб гапираяпсанми, ўзинг?

— Уларни боласи йўқларга улашаман, жонжон деб олади.

— Тавба, бола жўжамидики, ҳаммага совға қиладиган, ўйлаб гапираяпсанми? Менга қара, эрталабдан нега ичдинг заҳар-заққумни?

— Аламимдан ичдим, куйганимдан ичдим, энди бас, ҳаёт билан адабий хайрлашаман!

— Аввал саводни чиқариб олинг, мулла Адашбой, адабий эмас, абадий дейилади. Товуқни сўйиб бер, деганимда пичоқни улоқтириб қочганинг ёдингдами, қани айтчи, эрталабдан нега ичдинг?

— Аламимдан ичдим, аламимдан, барибир ўзимни нобуд қиламан, сирка ичаман!

— Уйда сирка йўқ, сирка бўлиб қолган коньяк бор.

Адашбой ҳиқиллаб, кўз ёшларини артди:

— Қизлар ҳақида йиқкан мақолларим бекор кетди: «Қизлик уй — бўстон, қизсиз уй — шабистон», «Қизи бор уй сариштa, онажони фаришта»...

— Ҳамма эркак худодан ўғил сўраса, сен қиз сўраб азиз-авлиёларга сиғинасан. Қани айтчи, ўғилнинг нимаси ёмон экан?

— Тўрт ўғил уйлангандан кейин хотинларининг этагини ушлаб, тўрт томонга кетиб қолади, қиз бола уйида меҳмонлигини билиб, отага меҳрли бўлади, онасига ёрдамчи бўлади. Отаси ўлганда, «Вой отам»лаб йиғлайди.

— Кўнглинг тўқ бўлсин, юзга кириб ўлганимизда қиз набирамиз йиғлайди.

— Дада, бир нарсага ҳайронман, бир ота-онанинг боласимиз, нега акамда қиз кўпу, менда ўғил ғиж-ғиж? Акам битта қизини битта ўғлимга алмашмасмикан, дада? Жа кўнмаса, бир қизига иккита ўғил бераман.

— Бошма-бошга соат алмаштираяпсанми, тентак, аканг хафа бўлмайдими?

— Нима қилибди? — деди Адашбой. — Қўйнидан тўкилса, қўнжига бўлади.

Хурсандбой ака бир нарсани сезгандек сергак тортди:

— Менга қара, ҳой бола. Туғруқхонага ичиб борганмидинг?

— Атиги юз грамм ичгандим.

— Хотининг ўғил туққанини ўз оғзи билан айтдими?

— Ҳамшира қиз айтди: Ҳури Ҳасанова уч литр, йўқ, йўқ, уч килою икки юз грамм ўғил туғди, деди.

— Хотинингни оти нима, эсингдами? — сўради Хурсандбой ака.

— Нури, ҳа, нима қипти? — деди Адашбой талмовсираб.

— Фамилиясини биласанми хотинингни?

— Ҳусанова... и..и... дада, Ҳури қулоғимга Нури бўлиб кирибди-ку? Вой, галава!

— Кўзинг ғилай, қулоғинг кар бўлиб турган эканда, эси паст, — деди ота жаҳл билан.

— Дада, дадажон, мени кечиринг, табиатнинг нозик жойидан сўрайман, — Адашбой ховлиқиб телефонга ёпишди:

— Алло, алло! Бу туғруқхонами? Ўтиниб сўрайман, тўртинчи палатада ётган Нури Ҳусанова нима туғди? Нега куласиз, а, яна қайтаринг, қиз, қиз дейсизми? Яшанг, синглим, раҳмат, ёнингизда бўлсам, сизни шартта ўпиб олардим. Суюнчидан қўрқиб, қочиб қолганим йўқ, ҳозир етиб бораман.

Абдулла ИСОМИДДИН.

Шеърият

ЎЗБЕКИСТОН

(Фахрия)

Ота мерос — бу она ер
Қадоқли қўл — манглайида тер.
Меҳнаткаш эл, заҳматкаш эл,
Мардимайдон ўзбекники —
Ўзбекистон ўзбекники.

Олам узра довруғи зўр,
Тўқсон икки уруғи зўр,
Оддий халқи, улуғи зўр,
Рустам-достон ўзбекники —
Ўзбекистон ўзбекники.

Ўзиники тоғу дарё,
Дала-боғу, чўлу саҳро.
Кийинтирган аҳлин дунё
Уста деҳқон ўзбекники —
Ўзбекистон ўзбекники.

Пахтасин ҳар толасига,
Олмосига, тиллосига
Атласига — пиллосига
Шайдо жаҳон «ўзбекники» —
Ўзбекистон ўзбекники.

Кўп бойликлар заминида
Ўзгача таъм ош-нонида.
Кўҳна замин айвонида
Барча имкон ўзбекники —
Ўзбекистон ўзбекники.

Тошкенти бор — гўзал пойтахт,
Самарқандин кўрмоқ бир бахт,
Бухоро-ла фахрда Шарқ
... Хива, Қўқон ўзбекники —
Ўзбекистон ўзбекники.

Навоийси бўлса устоз,
Бобур, Машраб унга йўлдош.
Шоир бунда ҳар қари-ёш
Зўр ғазалхон ўзбекники —
Ўзбекистон ўзбекники.

Мана бугун озод, эркли,
Мустақил ҳам ҳумо юртли,
Дастурхони доим қутли,
Даври-даврон ўзбекники —
Ўзбекистон ўзбекники.

Арзир қанча фахр этсам,
Мадҳ мавжини наҳр этсам.
Номига минг достон битсам,
Ушбу бўстон ўзимники —
Ўзбекистон ўзбекники.

Собир ОЛИМЖОН.

ТЎРТЛИКЛАР

Хожасин алқади бир «делец» шоир,
Тўйида завқ бирла, бўлди зўр бахши.
Хожаси дер эди, «Э, қойил, қойил,
Чуқур ковламасанг, ҳаммаси яхши».

* * *

– Жуда ҳайрон қолдим, — деди Адолат,
Бобомлар кўчада турган эдилар.
Оқ сигир етаклаб ўтса бир киши,
«Қорамол неча пул бўлди?» — дедилар.

* * *

Ўлимга тенг экан, мағлуб бўлмоқ, бас.
Нигоҳлар наздида бўлар мисли хас!
Кўзини чиқариб, жағин синдириб,
Сўнг яна қучоқлаб, олишар нафас!

* * *

Бир қўлда асал-у, бир қўлда гаврон
Мўминни хуш кўрди, кўп қадим даврон.
Асалга боққанга гаврон тушди-ю,
Гавронга боққанга, бол бўлди дармон.

Турсун МУҲАММАД.

МЕҲРИБОНЛИК

Бола йиғлаяпти. Унга эътибор бермасдан меҳмонлар олдида югуриб хизмат қилаётган келинига қараб қайнона:

— Олсангчи, болани. Боятдан бери бийиллайди, бечора. Эмизишга эринасан-а, болани қанча кўп эмизсанг, шунча соғлом ўсади, — деб танбеҳ берди.

Ётоқхонага кириб, болани овутиб ўтирса, келиннинг онаси кириб келди:

— Қариндош-уруғларинг билан бир яйраб ўтира олмадинг-а, бола деган йиғлаб-йиғлаб ўсади-да, кўп эмизганингдан сутинг ҳам қолмаган, ўзингнинг ҳам этинг устихонингга ёпишиб қолибди, — деди қизига ачиниб.

Ҳар кимники ўзига, ой кўринар кўзига, деб шуни айтишади-да.

Гулсара УБАЙДУЛЛА қизи.

Халқ табобати

МЕЪЁР БУЗИЛГАНДА

Инсон айрим ҳолларда саломатликка зарарли бўлган моддаларни ҳам меъёридан ортиқча қабул қилади. Натижада, тана оғирлашиб кетади.

Танада кераксиз моддалар (шлаклар) тўпланиб, турфа касалликларни келтириб чиқаради. Айниқса, тузларнинг тўпланиши катта ёшдаги семиз кишиларда бел, оёқ оғриғига сабаб бўлади. Демак, бундай моддаларни бир йилда бир марта танадан чиқариб юбориш зарур. Шунда тана тозаланиб, енгиллашиб боради.

Уларни турли йўллар билан йўқотиш мумкин. Бунинг учун 2 ош қошиқ гуручни тозалаб, 8 соат совуқ сувга солиб қўйилади. Сўнгра, суви тўкиб ташланиб, яна совуқ сув солинади ва қайнагунча газга қўйилади. Қайнаб чиқиши билан оловдан олиб, суви тўкиб ташланади. Шу тариқа бу уч марта такрорланади. Гуручга туз ва бошқа зираворлар солинмайди. Пишган гуруч наҳорга оч қорнига истеъмол қилинади. Бу вақтда қўшимча еб-ичмаган маъқул. Орадан 2 соатча вақт ўтгач, мунтазам сув ичиб туриш тавсия этилади. Яна 4 соатдан кейин эса, хоҳлаган нарсангизни ейишингиз мумкин. Бу усулни бир-ярим ой узлуксиз давом эттириш лозим, акс ҳолда фойдаси кам бўлади.

«Тошкент ҳақиқати» газетасининг 2006 йил 4 октябрь 80-сонида чоп этилган Давлат мулки қўмитасининг Тошкент вилояти бошқармаси ҳамда Тошкент вилояти ҳудудий танлов комиссияси томонидан танлов ўтказилиши тўғрисидаги эълон қуйидаги таҳрирда ўқилсин: «Танлов ўтказилиш куни: 2006 йил 31 октябрь, 8, 15, 22, 29 ноябрь кунлари».

Об-ҳаво

Гидрометеорология хизмати марказининг хабар беришича, 11 октябрь куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Ғарбдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 10-12, кундузи 25-27 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 8-13, кундузи 22-27 даража иссиқ бўлади.

Тоғли туманларда ҳаво ўзгариб туради, баъзи туманларда ёмғир ёғиши мумкин. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 5-10, кундузи 13-18 даража иссиқ бўлади.

Янгийўл туманидаги 23-ўртатаълим мактаби томонидан 1998 йилда Хакимбоева Нигора номига берилган O`R-A 378477 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

2004 йилда Турсунова Қундуз Сабировна номига берилган Чорсу буюм бозоридаги 27-сонли дўконга тегишли 2000676174 рақамли ер кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

2003 йил 20 январда Муминова Муҳаббат Илашевна номига берилган 15-03/2676 рақамли хонадонга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ордери йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Рассом ҳандаси

Изоҳнинг ҳожати йўқ.

Абдурасул ҲАКИМОВ чизган расмлар.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Ғ-1240. Адади 3467. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Умид УБАЙДУЛЛО.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 1 2 3 4 5